

Birinchiidan, ESG mezonlari kompaniyalarning investitsion jozibadorligini oshiradi. Ko'plab xalqaro investorlar ESG standartlariga rioya qiladigan kompaniyalarga investitsiya kiritishni afzal ko'rmoqda.

Ikkinchiidan, ESG tamoyillari resurslardan samarali foydalanishga yordam beradi. Bu esa ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirib, iqtisodiy samaradorlikni oshiradi.

Uchinchiidan, ESG yondashuvi kompaniyaning ijtimoiy obro'sini mustahkamlaydi va iste'molchilar ishonchini oshiradi.

Xulosa qilib aytganda, barqaror rivojlanish konsepsiyasi zamonaviy iqtisodiyotning muhim yo'nalishlaridan biri hisoblanadi. Ushbu konsepsiya iqtisodiy o'sish, ijtimoiy farovonlik va ekologik muvozanat o'rtasidagi uyg'unlikni ta'minlashga qaratilgan. ESG tamoyillari esa barqaror rivojlanish g'oyalarini amaliyotga joriy etishning samarali mexanizmi hisoblanadi. Ular kompaniyalar faoliyatini keng qamrovli baholash imkonini beradi va investorlar uchun muhim axborot manbai bo'lib xizmat qiladi. Barqaror rivojlanish maqsadlariga (SDG) muvofiq korporativ boshqaruvni takomillashtirish orqali kompaniyalarda shaffoflik, hisobdorlik va samarali boshqaruv tizimini shakllantirish zarur. Shuningdek barqaror investitsiyalarni rag'batlantirish maqsadida investitsiya qarorlarini qabul qilish jarayonida ESG mezonlarini inobatga olish hamda ekologik va ijtimoiy jihatdan mas'uliyatli loyihalarni qo'llab-quvvatlash tavsiya etiladi. ESG tamoyillarini keng targ'ib qilish hamda barqaror rivojlanish bo'yicha bilim va ko'nikmalarni oshirish uchun ta'lim tizimida ushbu yo'nalishga oid o'quv dasturlari va ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish muhim ahamiyatga ega.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. *Environmental, Social, and Governance Performance of EU Companies. European Commission Report, 2024.*
2. *The Paris Agreement was adopted on 12 December 2015.*
3. *METI. Guidance for Integrated Corporate Disclosure and Company-Investor Dialogue for Collaborative Value Creation 2.0. Ministry of Economy, Trade and Industry, Japan, 2024.*
4. *European Commission. The European Green Deal. Brussels, 2019.*
5. *OECD. ESG Investing and Climate Transition in the Industrial Sector. Paris, 2023.*
6. *Global Corporate Sustainability Report 2025*
7. *databank.worldbank.org – Jahon bankining rasmiy ma'lumotlar bazasi*
8. *sdg.org – Barqaro rivojlanish maqsadlari rasmiy vebsayti*
9. *wikipedia.org – Vikipediya rasmiy vebsayti*

## **БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШДА ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

**Д.Б.Худойбердиева**

*“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ Статистик ва бошқарув  
ҳисоботи бўлими иқтисодчиси*

Ушбу тезисда замонавий глобаллашув жараёнлари шароитида жаҳон аҳолиси олдида юзага келаётган хавф-хатарлар, ишлаб чиқариш суръатлари ошиб бораётган бир даврда яшил иқтисодиётнинг роли ва аҳамияти ёритилади.

XXI асрда саноат ва технологик тараққиётнинг жадал ривожланиши атроф-муҳитга босимнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Шу шароитда яшил иқтисодиёт ресурс тежамкор технологиялар, қайта тикланувчи энергия манбалари ва

экологик тоза ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали иқтисодий ўсишни экологик барқарорлик билан уйғунлаштиради. Бу аҳоли саломатлигини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш ва табиий ресурсларни асрашга хизмат қилади.

Яшил иқтисодиётни ривожлантириш барқарор иқтисодий ўсиш учун янги имкониятлар яратади, бироқ бу жараён катта инвестиция ресурсларини талаб этади. Иқлим ўзгариши шароитида юқори углеродли технологияларга чекловлар кучайиши “яшил” технологиялар ва барқарор инвестицияларга бўлган талабни оширмоқда. Шу боис халқаро молия бозорларида яшил инвестицияларни ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчиларидан бўлиб яшил иқтисодиётга ўтиш йўналишларини белгилаб олди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-436-сон қарори билан Ўзбекистон яшил иқтисодиётга ўтиш мақсадлари белгилаб олинди.




**1-расм. “Яшил иқтисодиёт” хусусиятлари**

Қарорга асосан 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси доирасида “яшил” ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларида ресурсларни тежашни янада кенгайтириш борасида аниқ мақсадлар белгиланганиб, “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил ўсишни таъминлаш” дастури қабул қилинди. Шунингдек, иссиқхона газларини ЯИМга нисбатан аввалги йиллардаги даражага нисбатан 35 фоизга қисқартириш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини 15 ГВтга

ошириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш мақсад этиб белгиланди.<sup>54</sup>

2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш бўйича 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган энергия ҳажмини 30 фоизга камайтириш (2021 йилга нисбатан), саноатда электр энергияси истеъмоли, умумий истеъмолдаги улушини 20 фоизга камайтириш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улушини 30,5 фоизга кенгайтириш (*гидроэнергетика билан бирга*), “Яшил макон” лойиҳаси доирасида шаҳарлардаги яшил майдонларни 30 фоизга кенгайтириш (*аҳоли пунктининг умумий майдонига нисбатан*) кўрсаткичлари белгиланди.

Муҳтарам юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев белгилаб берган аниқ мақсад ва йўналишлар орқали мамлакатимизда бутун дунёни ташвишга солаётган глобал муаммоларга яшил иқтисодиётга ўтишнинг энг самарали ечими сифатида қаралди.



## 2-расм.Яшил молиялаштиришнинг асосий йўналишлари

“Биз иқтисодиётимизни барқарор энергия ресурслари билан таъминлаш учун айнан “яшил” энергетикани ривожлантиришга қаттиқ бел боғлаганмиз.Ўтган қисқа даврда бу соҳага қарийб 6 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция кириб келди. Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 59 миллиарддан 82 миллиард килловатт-соатга етди. Кейинги беш йилда бу кўрсаткич 120 миллиард килловатт-соатдан ошиб, “яшил” энергия улуши 54


<sup>54</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг яшил иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-436-сон қарори

фоизга етади”<sup>55</sup>, деб таъкидладилар Муҳтарам юртбошимиз Тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқларида .

Иқтисодиётнинг драйвери ҳисобланган кон металлургия саноати корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнидаги анъанавий техника ва технологияларнинг анча қисми эскирганлигини ҳисобга олган ҳолда, уларни яшил технологияларга ўтказиш самаралироқ ҳисобланади.

Навоий кон-металлургия комбинати йирик тармоқларни ўзи ичига олган йирик саноат кластери ҳисобланади. Унинг таркибида геология, металлургия, энергетика, транспорт, маҳаллийлаштириш, қурилиш каби соҳаларнинг ҳар бирини ривожлантириш дастурлари доирасида кенг қамровли амалий ишлар, йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2021-2024 йиллар давомида комбинат таркибий бўлинмаларидаги маъмурий биноларни электр энергияси билан таъминлаш учун умумий қуввати 7 350 кВт бўлган фотоэлектр станциялари ишга туширилган бўлса, 2025 йилда умумий қуввати 2 850 кВт бўлган фотоэлектр станциялари ишга туширилди.



3-расм. 2020-2025 йилларда “НКМК” АЖда ўрнатилган ФЭСлар<sup>56</sup> (кВт)

2026 йил 1 январь ҳолатига кўра “НКМК” АЖда фотоэлектр станцияларининг умумий қуввати 10 050 кВт ташкил этиб, 2025 йилда ушбу фотоэлектр станцияларида 12,0 млн.кВт\*соат электр энергияси ишлаб чиқарилишига эришилди.

Ҳар қандай ўзгаришлар даврида давлат ва жамият олдида ҳал этилиши муҳим саналган бир қатор қийинчиликлар юзага келади. Яшил иқтисодиётга ўтишда қуйидаги тадбирларни белгилаб олиши таклиф этилади:

Яшил иқтисодиётга ўтишни ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан таъминлаш. Яшил иқтисодиётни самарали жорий этиш учун мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база яратиш муҳим ҳисобланади. Қайта тикланувчи энергия

<sup>55</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқи

<sup>56</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

манбаларини ривожлантиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш, энергия тарифларини шаффоф белгилаш ва инвестиция муҳитини яхшилаш ушбу соҳада барқарор ривожланишни рағбатлантиради;

Кадрлар салоҳиятини ривожлантириш ва малакасини ошириш. Яшил иқтисодиётни ривожлантиришда малакали кадрлар тайёрлаш муҳим омил ҳисобланади. Таълим тизимида экологик иқтисодиёт, қайта тикланувчи энергия ва ресурс тежамкор технологиялар бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳамда кадрлар малакасини ошириш инновацияларни жорий этиш ва иқтисодиёт самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилади;

Яшил технологияларни жорий этишни давлат томонидан рағбатлантириш. Яшил технологияларни жорий этишни рағбатлантириш мақсадида давлат томонидан солиқ имтиёзлари, субсидиялар ва грантлар каби иқтисодий қўллаб-қувватлаш чораларини кенгайтириш муҳимдир. Бу эса корхоналарнинг экологик тоза технологияларга ўтишини тезлаштириб, энергия самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

Жамиятда яшил иқтисодиёт маданиятини шакллантириш. Аҳоли орасида яшил иқтисодиёт ва унинг барқарор ривожланишдаги аҳамиятини тушунтириш муҳим ҳисобланади. Ёш авлодда экологик онгни ривожлантириш мақсадида таълимда яшил иқтисодиёт принциплари жорий этилиб, махсус ўқув дастурлари орқали экологик масъулиятли жамиятни шакллантириш мумкин.

#### ***Адабиётлар рўйхати:***

1. Гурьева, М.А. & Наймушина Д.В. (2015). «Зеленая экономика» в России. Теория и практика общественного развития, (7), 5859.
2. Буневич К.Г., Горбачева Т.А. «Зеленые» тенденции в развитии мировой финансовой системы. Вестник московского университета. Им.С.Ю.Витте. Серия 1. Экономика и управление. 2022.No1 (40) 52-60 Эл. журнал (cyberleninka.ru)
3. Иминов Т.К., Ваҳобов А.В., Тешабоев Т.З., Бўтабоев М.Т. (2019). «Зелёная экономика» как основа устойчивого развития. Монография. Т: «Алоқачи», 480.
4. Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сон қарори
5. Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг яшил иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-436-сон қарори
6. Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ““Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”даги ПФ-158-сон Фармони